БАДИИЙ МАТНДАГИ СТИЛИСТИК ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАДҚИҚИ (АСЛИЯТ ВА ТАРЖИМА МИСОЛИДА)

М.У.НОРБАЕВА

Мақола С.Моэмнинг "Ой ва сариқ чақа" романидаги стилистик тасвирий воситалар тадқиқига бағишланган. Лексик-стилистик воситалар лингвокогнитологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *тасвирий воситалар, метафора, метонимия, аллитерация, денотатив маъно, аслият ва таржима, когнитология.*

Статья посвящена исследованию образных стилистических средств в романе С.Моэма «Луна и грош». Лексические средства подвергаются стилистическому анализу с точки зрения лингвокогнитологии.

Ключевые слова: *стилистические образные средства, метафора, метонимия, аллитерация, денотативное значение, оригинал и перевод, когнитология.*

The Article is dedicated to the study of the figurative stylistic facilities in the novel "The Moon and Sixpence" by S.Maugham. The Lexical facilities are subjected to the stylistic analysis with standpoint linguo-cognitology.

Key words: *stylistic figurative facilities, metaphore, metonymy, alliteration, denotational meaning, original text and translation, cognitology.*

Тасвирий воситалар бадиий матнда образларнинг ёрқин тасвирланишига хизмат қилиш билан бирга китобхон қалбида ҳис-ҳаяжон ва кечинмалар уйғота олиши билан ҳам характерланади. Буни қуйидаги икки гап мисолида ҳам кўриш мумкин:

1. Самарқанд ўзининг қадимий ва тарихий обидалари билан дунёга машҳурдир.

2. Рўйи Замин сайқали бўлган Самарқанд неча юз асрлар давомида ўзининг кўрки ва салобатини йўқотмай келаётган кўҳна ва тарихий обидалари билан ҳали ҳануз дунёни лол қолдириб келмоқда.

Шубҳасиз, иккинчи гап биринчисига нисбатан кўпроқ тасвирий бўёқларга, сифатларга эгалиги билан китобхон диққатини ўзига жалб қилади. Бу эса, ўз навбатида, китобхоннинг хаёлот оламини кенгайтиради, кўз олдида образларнинг ёрқин намоён бўлишини таъминлайди ва хотирасида тез, осон сақлаб қолишига имкон беради. Тасвирий воситаларнинг лексик, фонетик ва синтактик турлари мавжуд бўлиб, улар бажарадиган функцияси жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Метонимия, метафора, аллитерация, ўхшатиш, фразеологик бирикмалар, мақол ва ҳикматли сўзлар, киноя, градация шулар жумласидандир. Бу каби тасвирий воситалар ёрдамида бетакрор бадиий образлар яратилади.

Тасвирий воситалардан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланиш муаллифнинг индивидуал стилига – идиостилига боғлиқдир. Инглиз ёзувчиси Сомерсет Моэм ўзининг кескин танқидий ва ҳеч бир ёзувчига ўхшамаган идиостилига эга. Хусусан, унинг “Ой ва сариқ чақа» романи ана шундай тасвирий бўёқларга эгалиги, сирли, шу билан бирга кучли моҳияти билан дунё адабиётида алоҳида ўрин тутади. “Ой ва сариқ чақа” романи 1919 йилда ёзилган бўлиб, ҳозиргача адабиётшунослар учун жумбоқлигича қолмоқда. Асардаги Чарльз Стриклэнд образининг прототипи машҳур рассом Поль Гоген бўлиб, у ички қарама-қаршиликлар тимсоли сифатида намоён бўлади. Ч.Стриклэнд ўз оиласи, фарзандларидан воз кечиб, рассомлик билан шуғулланади, чекка бир оролда оғир дард туфайли ҳаётдан кўз юмади. Энг қизиғи, унинг асарлари тириклик даврида сариқ чақага ҳам сотилмайди, умуман, у асарларини сотиш учун чизмайди ҳам, вафотидан сўнг эса у санъатда янги бир эрани бошлаб берган даҳо сифатида эътироф этилади. Ёзувчи Ч.Стриклэнд образи орқали инсоний кечинмалар, инсоннинг ботиний олами, руҳияти, инсонга хос ва хос бўлмаган жиҳатларга эътибор қаратади. С.Моэм асарда ранг-баранг ифода усулларидан фойдаланган ва бу асарнинг тасирдорлигини таъминлашга хизмат қилган. Романдаги тасвирий воситалар ва уларнинг контекстдаги ўрнини аслият ва таржима асосида ўрганиш жараёнида уларнинг таржимада адекват берилиши қай даражада муҳимлигини кўриш мумкин.

Масалан:

What chance is there that any book will make its way among that multitude? And the successful books are but the successes of a season. (С.Моэм) [3.10].

Много ли шансов у отдельной книги пробить себе дорогу в этой сутолоке? А если ей даже сужден успех, то ведь ненадолго. (Перевод Н. Манн) [4.4].

Сон-саноқсиз чиқаётган бундай китобларнинг қайси бирлари яшаб қоларкин, муваффақият қозонаркин? Агар муваффақият қозонса ҳам узоққа бормаса керак. (Таржима Р.Иноғомовники) [5.4]

Асардан олинган юқоридаги гапда муаллиф маънони кучайтириш мақсадида аллитерация усулини қўллаган бўлиб, бу таржима жараёнида ўзгаришга учраганини кўриш мумкин. Тасвирий воситаларнинг трансформацияси таржима жараёнида бир хилда кечмайди. Баъзан тасвирий воситалар ўзгаришга учраса, баъзан аслиятдан ҳам кучлироқ ифодаланган бўлади.

Масалан: *The moral I draw is that the writer should seek his reward in the pleasure of his work and in release from the burden of his thought; and, indifferent to aught else, care nothing for praise or censure, failure or success.* (С.Моэм) [3.10].

Из всего этого я делаю вывод, что удовлетворения писатель должен искать только в самой работе и в освобождении от груза своих мыслей, оставаясь равнодушным ко всему привходящему - к хуле и хвале, к успеху и провалу. (Перевод Н.Манн) [4.4].

Айтилганлардан шундай хулосага келаманки, ёзувчи фақат иш жараёнида, юк бўлиб турган фикрларидан қутулгани учунгина таскин топгани, асар тўғрисидаги яхши ва ёмон гапларга ҳам, унинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигига ҳам бепарво бўлиб қолгани маъқул. (Таржима Р.Иноғомовники) [5.4].

Ушбу гапда антитезис (сўзларнинг бир-бирига қарама-қарши қўйилиши) усули қўлланган бўлиб, унинг таржимон томонидан маҳорат билан ўгирилганлигини кўриш мумкин.

Бадиий матн устида ишлаш жараёнида таржимон сўзларнинг коннотатив ва денотатив маъноларига, лисоний бирликлар маъносининг кўп қирралиги – полисемия ҳодисасига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Масалан, бир гапнинг таржимасини кўриб ўтайлик. *Several new schools appeared in the area.* Мазкур гапнинг денотатив маъно (контекстдаги маъно)си ўзидан олдин келган гап маъноси билан узвий боғлиқдир. Агар гап ўқув муассасаси – мактаблар ҳақида бораётган бўлса, *ҳудудда бир нечта янги мактаблар пайдо бўлди* деб, агар балиқчилик, балиқ овлашга алоқадор бўлса, *ҳудудда бир нечта янги балиқлар тўдаси пайдо бўлди* деб таржима қилинади. Бадиий матндаги полисемия билан бир қаторда омонимия (homonymy) ва унинг турлари (homograph, homophone) ҳам тасвирийликни кучайтириш учун хизмат қилади.

Масалан: *Though Tiare was old and fat, on occasion we rolled back the Brussels carpet, brought in the maids and one or two friends of Tiare's, and danced, though now to the wheezy music of a gramaphone. On the verandah the air was scented with the heavy perfume of the tiare,..* (С.Моэм) [3.205].

И хотя Тиаре была уже стара и толста, мы как-то раз скатали брюссельский ковер, позвали девушек, кое-кого из друзей Тиаре и устроили танцы, правда, теперь под визгливые звуки граммофона. На веранде воздух был пропитан приятным ароматом Тиаре,.. (Перевод Н.Манн) [4.93].

Гарчи Тиаре эндиликда анча кексайиб ва семириб кетган бўлса, биз кунларнинг бирида унинг шарафига гилам тушаб, дўстларидан баъзиларини чорлаб ўйин-кулги уюштирдик. Пешайвон-

да ҳаво ғоят ёқимли эди... (Таржима Р.Иноғомовники) [5.98].

Биринчи гапда *Tiare* сўзи (икки бора) инсон номини англатган бўлса, кейингисида *tiare* муаттар ҳидли гул, яъни предметни англатиб келмоқда. Бу *antonomasia* (атоқли отларнинг турдош отларга айланиши ва аксинча) номли тасвирий восита бўлиб, матннинг бадиийлигини оширишга хизмат қилади. Р.Иноғомов таржимасида *tiare* сўзи фақат исм маъносида қўлланган, шу учун *antonomasia* йўққа чиққан.

Бадиий матн таъсирдорлигини ошириш учун хизмат қилувчи тасвирий воситалардан яна бири – *personification* (жонлантириш) бўлиб, бунда жонсиз предмет ва образлар худди инсонлар ва уларнинг ҳаётига ўхшатиб тасвирланади.

Масалан: *Life is hard, and Nature takes sometimes a terrible delight, in torturing her children.* (С.Моэм) [3.222].

Жизнь - жестокая штука, и природа иногда страшно глумится над своими детьми. (Перевод Н.Манн) [4.100].

Ҳаёт ўта шафқатсиз нарса, табиат гоҳида ўз фарзандларини мазах қилади. (Таржима Р.Иноғомовники) [5.106].

Бадиий матнда фразеологик бирикмалар ҳам тасвирийликни кучайтириш, бадиий образлар лексиконини кенгайтириш, воқеа ва ҳодисаларни жонлантириш учун хизмат қилади. “Ой ва сариқ чақа”даги фразеологик бирикмалар асар лексиконини бойитишга алоҳида хизмат қилган: *1. As dead as mutton 2. To blaze the trail 3. To rub shoulders with smb. 4. To gain currency 5. In the flesh 6. To potter about with smth. 7. To cast a spell over smb 8. To give a clue 9. To screw up one’s courage 10. To sleep like a log 11. To keep body and soul together 12. To make a great stir*

Ҳозирги замон тилшунослик илмида бадиий матнни тўлалигича ҳам семантик, ҳам структур, ҳам прагматик ва психоаналитик жиҳатдан қамраб ўрганиш лингвистика фани олдида турган долзарб муаммолардандир. Кейинги йилларда тилшунослар бу муаммонинг ечимини когнитология (cognitive science – тафаккур ҳақидаги фан)дан излашмоқда. Когнитив тилшунослик кечагина пайдо бўлиб қолган эмас. Тилшуносликнинг бу соҳасига ўтган асрнинг 50-йилларида машҳур тилшунослар – Ж.Миллер, Н.Хомский, А.Ньюэм ва Х.Саймонлар томонидан тамал тоши қўйилган. Когнитив тилшунослик, Ш. Сафаров таъбири билан айтганда, икки буюк наҳанг – тил ва тафаккурни боғловчи занжир – қай йўсинда ўзаро бирикиши билан боғлиқдир [4.6].

Когнитология, ўз навбатида, тасвирий воситалар – метафора, метонимия, ундаги концепт ва маъноларни алоҳида тадқиқ этади. Метафора инглиз прозасида энг кўп ишлатиладиган тропларнинг кенг тарқалган тури бўлиб, бадиий матнда тасвирийликни ошириш учун хизмат қилади.

Масалан: *«Grey clouds chased one another across the sky* « (*«Кулранг булутлар осмон узра бир-бирини таъқиб этишди»).* Асардан олинган бу гапда бир қарашда табиат манзарасигина тасвирлангандек кўриниши мумкин. Ҳолбуки, ёзувчи *chased one another* (бир-бирини таъқиб қилмоқ, бир-бирининг кетидан қувмоқ)ни *Grey clouds* га боғлайди. Шунинг учун балки бу гап биз ўйлагандек табиат манзарасинигина эмас, вақт ва замон маъносини ҳам ифодалагандир, деган фикр туғилади. Осмондаги булутлар таъқиби, эҳтимол, вақтнинг тез ўтаётганига, замоннинг бири иккинчисига етолмаётгандек шитоб билан ўтаётганига ишорадир. Гапдаги *grey* сўзига эътибор берсак, яна бир маъно келиб чиқади. У *кулранг* маъносини англатиш билан бирга *оқарган* маъносини ҳам беради. Демак, бу сўз *кулранг булутларга* қиёсланаётган *оқарган сочларга* ишора, инсон қиёфасига нисбатан қўлланган. Булутлардек оппоқ сочлари, кексалик аломатлари образни таъқиб этаётганини ифодаламоқчи бўлган.

Тасвирий воситаларнинг ёзувчи томонидан маҳорат билан қўлланган “Ой ва сариқ чақа” романининг янада сермазмун ва кўп қиррали бўлишига имкон яратган. Асар ҳақида фикрларимизни якунлар эканмиз, унинг тасвирий воситаларга бойлиги ва кенг қамровлилиги билан улкан айсбергга ўхшашини, бу айсбергнинг каттагина ўрганилмаган қисми сув остида ётганини англаймиз.

Адабиётлар:

1. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – Л., 1973.
2. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Т.: Сангзор, 2006.
3. Maugham S. The moon and sixpence. Copyright, 1919.
4. Моэм У.С. Луна и грош. – М., 1960.
5. Моэм У.С. Ой ва сариқ чақа. – Т., 2008.

Жиззах давлат педагогика институти
2014 йил 7 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Раҳимов)